ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

# Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда).

Мамлакатда чинакам халқ ҳокимияти ўрнатилганлиги партиянинг жуда муҳим ғалабасидир. Социалистик демократия барча меҳнаткашларга чинакам сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни, уларнинг барча давлат ва жамоат ишларида кенг қатнашишини таъминлади.

Халқ депутатлари Советларининг составида меҳнаткаш халқнинг тўла ҳокимияти ўзининг жонли ифодасини топди. Бизнинг республикамиз Олий Советига 259 нафар ишчи ва колхозчи сайланган, улар депутатларнинг 51 процентини ташкил этади.

Лениннинг хотин-қизлар социалистик қурилишда жуда катта куч эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасини турмушга татбиқ этиб, партия миллион-миллион эркин меҳнаткаш аёлларни бунёдкорлик меҳнатига отлантирди. Улар янги жамият қуриш ишига буюк ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон аёлларининг қарийб ярмиси олий ва ўрта маълумотлидир. Ҳар уч инженернинг, фан ва маориф ходимининг бири хотин-қизлардир. Республика хотин-қизларидан 86 минг киши Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланган.

Ўзбекистоннинг бу муваффақиятлари — совет халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг, улар ҳаётбахш кучининг ажойиб самараларидир. Бу самаралар — ленинча доно миллий сиёсатнинг натижасидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган беш йилликни ўз бурчларини адо этганликларидан фахрланиш туйғуси билан якунладилар. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқарувчи кучлар анча ўсди, фан ва маданият янада ривож топди, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошди.

Республика ўн биринчи беш йилликни дадил бошлади. 1981 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари бажарилди. Корхоналарнинг меҳнат коллективлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, юбилей йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар, келгусида олға бориш учун мустаҳкам асос яратмоқдалар.

Саноат ходимлари, қурувчилар иқтисод ва тежамкорлик учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив қатнашмоқдалар, жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлмоқдалар, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирмоқдалар.

Республиканинг қаҳрамон ишчилар синфини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан давлатимизнинг юбилейи билан қизғин табриклашга, фидокорона меҳнат учун миннатдорчилик билдиришга ва уларга янгидан-янги, янада катта ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз, ўртоқлар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун сабот билан курашмоқдалар. Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш умумхалқ иши бўлиб қолди.

Шонли пахтакорларимиз жуда оғир об-ҳаво шароитларида юбилей йилининг катта пахта хирмони учун бўлган бениҳоя оғир жангда ғолиб чиқдилар, партияга берган ваъдани шараф билан бажардилар. Совет халқлари қардошлигининг ажойиб байрамига улар яхши меҳнат туҳфаси армуғон этдилар — давлат хирмонига Ўзбекистоннинг 6 миллион тоннадан кўпроқ пахтаси топширилди.

Бу йилги ҳосил учун бўлган жанг пахтачилик тарихига деҳқонларнинг мардлиги, шавкати ва қаҳрамонлиги тимсоли бўлиб ёзилади. Бу жанг умумий ғалабага ўз ҳиссасини қўшган шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчга садоқат тимсоли бўлиб тарихга киради.

Меҳнатдаги шу ажойиб ғалаба муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекисон ССР Олий Совети Президиумига ва Министрлар Советига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига йўллаган Табрикномаси зўр қувонч туйғуси билан кутиб олинди.

Юбилей вахтасида эришилган муваффақиятларга юксак баҳо берилганлиги республика қишлоқлари ва шаҳарларининг миллион-миллион меҳнаткашлари қалбида қизғин акс садо берди, уларни меҳнатда янгидан-янги зафарларга руҳлантирди.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига ҳозирлик кўрар эканлар, пахтакорларга тенглашиб социалистик мажбуриятларини «муваффақиятли бажардилар.

Ўртоқлар, республика колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, аграр-саноат комплексининг барча меҳнаткашларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан байрам билан чин кўнгилдан табриклашга, қаҳрамонона меҳнат учун, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшган катта ҳисса учун уларга сидқидилдан миннатдорчилик билдиришга ва янгидан-янги катта меҳнат ғалабаларига эришишни тилашга ижозат бергайсизлар.

Шонли зиёлиларимиз республиканинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиётига жуда катта ҳисса қўшдилар. Халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ходимлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари ўзларининг бутун билимлари ва истеъдодларини, бутун куч ва ғайратларини халққа, уни маънавий жиҳатдан бойитишдек олижаноб ишга бағишламоқдалар.

Шу тантанали дамларда биз зиёлиларимизни улуғ байрам билан чин кўнгилдан табриклаймиз ҳамда уларга фан, маданият ва санъатни ривожлантиришда янги-янги катта муваффақиятлар тилаймиз!

Совет халқлари қардошлик оиласидаги тенг республикаларнинг бири — Ўзбекистоннинг муваффақиятлари — совет халқлари муқаддас дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг самарасидир. Халқларнинг дўстлиги, бирлиги ва жипслиги — Ватанимиз қудратининг битмас-туганмас манбаи, барча совет социалистик миллатлар равнақининг гарантияси, коммунистик жамият бунёд этишда эришилажак ғалабаларнинг гаровидир.

* * *

Ўртоқлар!

Совет халқи ўзининг ҳамма тарихий ютуқларига Коммунистик партия, унинг доно раҳбарлиги туфайли эришди.

Партия ўзининг омма туб манфаатларини ҳимоя қилиши билан, коммунизм идеалларига садоқати билан, миллий манфаатларга ва халқларнинг ҳис-туйғуларига жуда зўр эътибор бериши билан мамлакатдаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг йўлбошчиси, раҳбари ва ташкилотчиси деган юксак ҳуқуққа сазовор бўлди.

У ўзининг коммунизм ва тинчлик ишига астойдил хизмати билан кўп миллатли Ватанимиз ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг, барча меҳнаткашларининг бениҳоя зўр ишончи, обрў-эътибори ва меҳр-муҳаббатини қозонди. Совет кишилари партия ҳақида Лениннинг қуйидаги илҳомбахш сўзлари билан алоҳида фахрланиб гапирадилар: «...Биз ўз партиямизга ишонамиз, давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони шу партиямиз деб биламиз» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 34 том, 108 бет).

Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг жанговар отрядларидан биридир. Республиканинг ярим миллиондан кўпроқ коммунистлари коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда авангардлик ролини амалга оширмоқда, партиянинг миллий сиёсатини изчиллик билан ўтказмоқда. Улар совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм байроғини баланд кўтариб, партия режаларини амалга ошириш учун курашда меҳнаткашларга бошчилик қилмоқдалар.

Республика Компартияси меҳнаткашларни пролетар, социалистик интернационализм, халқларнинг ленинча дўстлиги руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда. У СССР халқларининг дўстлиги кун сайин ривожланиб, мустаҳкамланиши учун доимо ҳамма ишни қилиб келди ва қилаберади. Биз халқларнинг совет тузуми юзага келтирган, меҳнатда ва жангларда мустаҳкам узилмас қардошлик ришталари билан маҳкам боғланган улуғ дўстлигини ардоқлаймиз ва кўз қорачиғидек асрайберамиз.

Партиянинг ички сиёсатига ҳам, шунингдек унинг халқаро фаолиятига ҳам пролетар интернационализми принциплари асос қилиб олинган. Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида В. И. Ленин совет кишиларини халқаро манфаатларни кўзловчи интернационалистлар деб атаган эди. Лениннинг бу сўзларини эндиликда совет кишилари ифтихор билан тилга олмоқдалар, жаҳоншумул меҳнат аҳли билан қардошларча ёрдам ва интернационал бирдамлик туйғуси совет кишиларига хос хусусият бўлиб қолди.

Совет халқи коммунистик жамият барпо этар экан, халқаро ишчилар синфи, бутун жаҳон революцион ва озодлик ҳаракати олдида ўзининг биринчи галдаги интернационал бурчини бажармоқда.

Мамлакатимиз ўзининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлар экан, шу тариқа қардош социалистик мамлакатларнинг халқларига янги турмуш қуриш учун қулай шарт-шароитларни яратишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда, уларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, ўзаро ёрдам муносабатларини ривожлантириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Партиямиз, Совет давлатимиз озодлик ва мустақиллик йўлида курашувчиларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келди ҳамда бермоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро алоқаларида, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам беришдек олижаноб ишда Ўзбекистон актив қатнашмоқда. Бу ишда қатнашиш формалари хилма-хил: экспортга маҳсулот юбориш ҳам, миллий кадрлар тайёрлаш ҳам, илмий, техникавий ва маданий ҳамкорлик ҳам шу жумлага киради. СССРнинг техникавий кўмаги билан қурилаётган дунёнинг 48 мамлакатидаги турли объектларда республиканинг минглаб вакиллари ишламоқдалар. Республиканинг юзлаб вакиллари ўз интернационал бурчини бажариб, Ангола ва Мозамбикда, Афғонистон ва Вьетнамда ишлаб, уларнинг халқларига янги турмуш қуришда ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон — муҳим халқаро социал ва сиёсий анжуманлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ҳаракатининг характерини кўп йилларга белгилаб берган «Тошкент руҳи» шу ерда вужудга келди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг яқинда республика пойтахтида бўлиб ўтган мажлиси буни яна бир карра тасдиқлади.

Мана шуларнинг ҳаммаси — мамлакатимиз халқларнинг мустамлакачилик ва ирқчилик қолдиқларига қарши, миллий озодлик курашига бераётган доимий ёрдам ва мададнинг қирраларидир.

Партиямизнинг, совет давлатининг ташқи сиёсати чуқур инсонпарварлик руҳидадир. Аммо бу инсонпарварликнинг либерализмга мутлақо алоқаси йўқ. КПСС, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг инсонпарварлиги синфий характердадир. Бу — демократия, миллий мустақиллик учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, инсониятни ракета-ядро уруши алангасида йўқ бўлиб кетиш хавфидан омон асраш учун курашчиларнинг инсонпарварлигидир.

АҚШнинг урушқоқликдан иборат буюк давлатчилик ташқи сиёсий йўлига Совет Иттифоқи дадил, вазмин сиёсатни қарама-қарши қўймоқда. Совет ҳокимиятининг биринчи қонун акти — Сулҳ тўғрисидаги декретдан то ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида яқинда қабул қилинган бениҳоя муҳим қароргача — партиямиз билан давлатимизнинг бутун сиёсати тинчликни сақлаб қолишга астойдил интилиш руҳи билан суғорилган. Совет Иттифоқи ядровий ҳалокатга йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ер юзида тинчлик негизларини мустаҳкамлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга тайёр ва ҳамма ишни қилмоқда.

Мамлакатимиз ишчилар синфи, меҳнаткашларининг революцион ижодкорлиги туфайли юзага келган кўп миллатли Совет давлати ҳозир коммунизм идеалларини рўёбга чиқариш учун, ер куррасидаги барча халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ер юзида барқарор тинчлик учун кураш таянчидир.

Ўртоқлар!

Барча совет кишилари улуғ дўстлик, қардошлик ва бирлик байрамини ўз қудратли социалистик ватани учун ҳаққоний ифтихор туйғуси билан кутиб олмоқдалар. Улар мана шундай фахрланиш учун тўла ҳақлидирлар. Тарих учун 60 йил унчалик катта муддат эмас. Аммо шу йиллар ичида асрларга тенг социал ўзгартишлар амалга оширилди. Бу — совет халқининг тарихий жасоратидир.

Айни шу совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи ягона иттифоқи, кўп миллатли давлатини барпо этди. Бу давлат чинакам демократизм, социал ва миллий тенг ҳуқуқлилик давлатидир, барча миллат ва элатларнинг тинчлиги, ҳақиқий озодлиги, қардошлиги принциплари рўёбга чиқишини амалда таъминлаган давлатдир.

Мамлакатимиз халқлари келажакка умид ва ўз кучларига ишонч билан қарамоқдалар.

Барча қардош халқлар билан биргаликда Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари мангу барҳаёт коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида партиянинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида фидокорона меҳнат қилишга азму қарор берганлар.

Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Кўпмиллатли улуғ Ватанимиз тағин ҳам қудратли, бадавлат ва кўркам бўлаверсин!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

**(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

17 декабрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкентга келган Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президенти Ромеш Чандрани қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов барча халқларнинг урушга қарши кучларини бирлаштирган Жаҳон Тинчлик Кенгашининг кўп қиррали фаолиятига юксак баҳо бериб, Тинчлик Кенгашининг ҳаракатлари ядро ҳалокатининг олдини олиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, янги жаҳон урушини чиқаришга интилаётган империализмнинг кирдикорларига қарши курашда тобора салмоқли роль ўйнаётганлигини таъкидлади. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун кураш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий мазмунидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бирга Коммунистик партия ва Совет давлатининг шу сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар, ўз меҳнатлари билан тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистон экономикаси ва маданияти гуркираб ривожланганлиги тўғрисида, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш учун республика меҳнаткашлари олиб бораётган кураш ҳақида меҳмонга сўзлаб берилди. Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг гуркираб ривожланиши ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасидир.

Ромеш Чандра барча мамлакатлардаги кескинликни юмшатиш тарафдорлари эътироф этган ва қўллаб-қувватлаган Совет тинчлик ташаббусларига юксак баҳо бериб, республика меҳнаткашларининг тинч бунёдкорлик меҳнатида янгидан-янги ютуқларга эришувини тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг мудири Ҳ. Р. Раҳимов, Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси М. А. Зоидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ИЛЬИЧ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният меҳнаткашларнинг жаҳонда биринчи кўп миллатли эркин давлати — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаётган шу кунларда кишиларнинг ана шу давлат асосчиси, жаҳон пролетариатининг доҳийси Владимир Ильич Ленинга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Доҳий халқларга интернационализм тантанасига, озодлик ва бахт-саодатга олиб борадиган ёрқин йўлни очиб берди.

17 декабрь куни Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонидаги Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига қўйилган гуллар ана шу чексиз меҳр-муҳаббат ва ҳурматнинг рамзи бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, область партия комитетлари ҳамда область ижроия комитетларидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитетидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашидан, жамоат ташкилотларидан ва меҳнаткашлар коллективларидан гуллар қўйилди.

Гулларни қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# ДЎСТЛИК ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

(Боши биринчи бетда).

Революция йўлбошчиси, Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи меҳнаткашлар кўпмиллатли давлатининг асосчиси, совет халқлари улуғ оиласининг ташкилотчиси Владимир Ильич Лениннинг саҳна тўрига қўйилган бюстига бамисоли қуёш нур сочиб тургандек. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи босиб ўтган шонли йўлдан дарак берувчи «1922—1982» рақамлари товланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Бодюл, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари, республика министрликлари, идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари президиумдан жой оладилар. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президенти Ромеш Чандра, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров, СССР космонавт-учувчиси Г. В. Сарафанов, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги паррандачилик саноати бошқармасининг бошлиғи И. А. Бахтин, ГДР кино ва телевидение ходимлари союзи правлениесининг биринчи секретари профессор Питер Ульбрих ҳам шу ерда ўтиришибди. Президиумда Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Пунцагийн Дэчин, Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Муҳаммад Насим Жўя бор эдилар.

Тантанали мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб очди. Залда Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари тантанавор янграйди.

Мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **И. И. Бодюл**га сўз берилади.

У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ўзбекистон ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, халқ зиёлиларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан муборакбод этди ва республика меҳнаткашларига коммунизм қурилиши йўлида янги зафарлар тилади.

Ўзбекистон экономикаси, деди у, мамлакатимиз халқ хўжалиги комплексининг узвий қисмидир. Республикада жуда катта ёқилғи-энергетика базаси вужудга келтирилган, қора ва рангли металлургия, химия ва нефть химияси саноати ҳамда бошқа тармоқларнинг корхоналари барпо этилган бўлиб, улар ҳар томонлама ривожлантирилган. Мамлакат «оқ олтин»и — 6 миллион тонналик пахта хирмони Ўзбекистоннинг ва барча совет кишиларининг ифтихоридир. Бу меҳнат жасорати — пахтакорлар, бутун халқ илҳомбахш меҳнатининг, Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкилотчилик фаолиятининг натижасидир.

Ўзбекистон мамлакат Озиқ-овқат программасини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда, дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқда.

Энг муҳим йирик социал-иқтисодий программаларни ҳал қилишда барча иттифоқдош республикаларнинг биргаликда иштирок этиши уларнинг ҳаётий қоидаси бўлиб қолди. Мамлакат энг муҳим халқ хўжалик комплексларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш умумхалқ ишидир. Ҳар бир республиканинг қудратли иқтисодий тараққиёти совет халқи фаровонлигини муттасил ўстиришни таъминлайди. Жаҳон цивилизациясини бениёс ижод самаралари билан бойитган истеъдодли ўзбек халқининг жуда қадимий кўп асрлик маданияти ҳозир ривожланган социализм шароитида жуда ёрқин равнақ топиб, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг мулки бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг тарихий муваффақиятлари Ватаннинг бешта олий мукофоти билан тақдирланган. Республика хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқлари ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажаришдаги муваффақиятлари учун сурункасига икки беш йилликдан буён ҳар йили КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, шонли юбилей йилида ҳам Ўзбекистон Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун Қизил байроқ билан мукофотланди.

Республикадаги кўпгина областлар, шаҳарлар, районларнинг муваффақиятлари, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари кўчма Қизил байроқлар билан тақдирландилар.

Сизларни ва сизлар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини фахрли мукофот билан сидқидилдан муборакбод этишга ҳамда КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга оширишда янги-янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

И. И. Бодюл КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини доимий сақлаш учун гулдурос, давомли қарсаклар остида республика вакилларига топширади. Ўзбекистон хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан шу мукофотга сазовор бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш.Р. Рашидов бажарилган ишларга берилган юксак баҳо учун тантанали мажлис қатнашчилари номидан, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига қизғин ташаккур ва сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиб, республика меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучи, билими ва тажрибасини бундан буён ҳам партия планлари ва режаларини амалга оширишга, кўп миллатли социалистик Ватанимизни янада равнақ топтириш ишига сарфлайберадилар, деб ваъда қилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўзининг «Ленинча миллий сиёсат тантанаси» мавзуидаги докладида кўп миллатли Совет давлатининг қарор топиши ва ривожланишини чуқур таҳлил қилиб берди.

Мажлис қатнашчилари, улар билан бирга эса телевидение ва радио туфайли сарой залида ғойибона ҳозир бўлган республиканинг ҳамма жойларидаги миллион-миллион кишилар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг жуда катта аҳамияти тўғрисида, Владимир Ильич Ленин унинг улуғ меъмори, ижодкори ва илҳомчиси бўлганлиги ҳақида докладда айтилган сўзларни фахрланиб кутиб оладилар. Ҳозирги чинакам улуғ юбилей марксизм-ленинизм таълимотининг, партия миллий сиёсатининг тантанаси тимсоли эканлиги, Советлар мамлакатидаги барча миллат ва элатлар бирлигининг, улар пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги принципларига содиқлигининг янги ёрқин намойиши эканлиги ҳар бир кишини бениҳоя қувонтирмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида феодализм қолоқлигидан социал тараққиёт чўққиларига шитобли парвоз қилган Ўзбекистоннинг равнақи ленинча миллий сиёсат тантанасининг ажойиб далилидир. Умумхалқ байрамини республика хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида шонли ютуқлар билан кутиб олмоқда. Докладчи шу ҳақда гапирар экан, совет халқлари қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири бўлмиш Ўзбекистоннинг муваффақиятлари — шу халқлар муқаддас дўстлигининг, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг самараси эканини уқтириб ўтади. Дўстлик, бирлик ва жипслик — Ватанимиз қудратининг битмас-туганмас манбаидир, барча совет социалистик миллатлар равнақининг гарантиясидир, коммунистик бунёдкорликдаги ғалабаларимизнинг гаровидир.

Совет халқи ўзининг жамики тарихий ютуқларига Коммунистик партия, унинг доно раҳбарлиги туфайли эришганлиги тўғрисидаги сўзларни мажлис аҳли қарсаклар билан кутиб олади. Ўзбекистон Компартияси — КПССнинг жанговар отрядларидан биридир. Республиканинг ярим миллиондан кўпроқ коммунисти коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда авангардлик ролини амалга оширмоқда.

Докладнинг мамлакатимиз ишчилар синфи, меҳнаткашлари революцион ижоди туфайли дунёга келган кўпмиллатли Совет давлати ҳозир коммунизм идеалларини амалга ошириш, ер юзидаги барча халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун, жаҳонда мустаҳкам тинчлик учун кураш таянчи эканлиги тўғрисидаги сўзлари мажлисда ҳозир бўлган кишилар дилида қизғин акс-садо беради.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** минбарга чиқади.

Юздан ортиқ миллат ва элатларнинг аҳил ва иноқ оиласи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи каби давлат инсоният тарихида ҳеч қачон бўлган эмас, дейди у. Биз шу давлатнинг 60 йиллигини, эркин ва бахтиёр совет халқларининг байрамини улуғ ва порлоқ байрам сифатида нишонлаяпмиз.

Шу юбилей кунларида биз ўз фикри-зикримиз ва ҳис-туйғуларимизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг генийал доҳийси, Коммунистик партиянинг асосчиси, ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи кўпмиллатли давлати бунёдкори — мангу барҳаёт Ленин номига қайта-қайта қаратмоқдамиз. Биз мамлакатни ҳар қандай бўронлар ва момақалдироқлар оша Ленин йўлидан изчиллик билан муттасил олға бошлаб бораётган, совет халқининг хоҳиш-иродасини метиндек жипслаштираётган, унинг куч-ғайратларини пировард мақсад — коммунизм йўлида сарфлаётган жонажон Коммунистик партиянинг улуғ ишлари тўғрисида ўйлаймиз.

Совет кишилари Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги улуғвор самарали ишлари учун, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисидаги доимий оталарча меҳрибонлиги учун, планетамиз осмонининг тинч бўлиб турганлиги учун партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетидан, унинг Сиёсий бюросидан беҳад миннатдормиз.

Бизнинг жонажон Ўзбекистонимиз мамлакатдаги барча халқлар билан ягона тақдир орқали боғланиб, қардош иттифоқдош республикалар юлдузлари туркумида ёрқин юлдуз бўлиб порлаб турибди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ажойиб воқелигида кўп авлодларга мансуб кишиларнинг энг яхши орзулари ва эзгу умидлари рўёбга чиқди, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Пойтахт Тошкент области республика билан биргаликда комил ишонч билан шахдам одим ташлаб бормоқда. Совет ҳокимияти, социализм бу кўҳна цивилизация масканига янги ҳаёт бахш этди. Ҳозир областимиз — қудратли индустрия, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданият ўлкасидир. Республика пойтахти, тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкент йил сайин яшариб, кўркамлашиб бормоқда. Пастқам қишлоқлар ўрнида замонавий социалистик шаҳарлар — Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Янгийўл, Янгиобод қад кўтарди.

Бизнинг қувонадиган ишларимиз, фахрланадиган ютуқларимиз кўп, аммо социалистик тузум туфайли вояга етган янги совет кишиси — бизнинг алоҳида ифтихоримиздир. Коммунизм ғояларига астойдил садоқатли, Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган область меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ этиш устида илҳом билан ишламоқдалар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги ғалабаси байрамга алоҳида файз қўшмоқда. Республикага Қизил байроқ берилганлиги учун биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматидан миннатдормиз.

Республиканинг ажойиб муваффақиятларига Тошкент области ҳам муносиб ҳисса қўшганлиги бизни қувонтиради. Саноат корхоналарининг коллективлари юбилей йилини муваффақиятли туғалламоқдалар. Йил охиригача Ватан планга қўшимча равишда 100 миллион сўмлик маҳсулот олади. Пўлат, кўмир, минерал ўғит, пахта териш машиналари ва тракторлар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча ортади. Ўзбекистоннинг олти миллионли хирмонига Тошкентнинг 470 минг тонна «оқ олтини» қўшилди. Давлатга деҳқончиликнинг ҳамма турдаги маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар барвақт адо этилди, гўшт ва сут тайёрлаш йиллик планлари ошириб бажарилди.

Олдимизда катта-катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш, бутун ишимиз самарадорлигини ошириш йўллари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган программавий нутқида белгилаб берилган. Область коммунистлари, меҳнаткашлари ноябрь Пленуми қарорларини тўла-тўкис, астойдил қўллаб-қувватлаб маъқулладилар. Ҳозир Тошкент областининг партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш борасида ишламоқдалар.

(Давоми тўртинчи бетда).

